ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2020.FM.70.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ ЖОНИБЕК ШОКИРОВИЧ

КЛАССИК СОҲАЛАРДА ИНТЕГРАЛ ФОРМУЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021 йил

УДК: 517.55

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2020.FM.70.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ ЖОНИБЕК ШОКИРОВИЧ

КЛАССИК СОҲАЛАРДА ИНТЕГРАЛ ФОРМУЛАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАТБИҚЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/FM426 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифаси (http:www.qarshidu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (http:www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Худойберганов Гулмирза**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Имомкулов Севдиёр Акрамович**
физика-математика фанлари доктори

Отемуратов Байрамбай Пердебаевич
физика-математика фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.FM.70.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «____» ____________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+998 75) 225 34 13, факс: (+998 75) 221 00 56, e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Физика-математика факультети, 102-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+998 75) 225 34 13).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» ____________ куни тарқатилди.
(2021 йил «____» ____________ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Шоимкулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

А.А. Имомов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.д. (DSc), доцент

Ю.Х. Эшкабилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўп ўлчовли комплекс анализ соҳасида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, классик соҳаларда матрица аргументли голоморф функцияларнинг хоссаларини аниқлаш ва скаляр қийматли кўп матрица ўзгарувчили голоморф функцияларнинг интеграл формулаларини топиш масалаларига келтириш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида голоморф ядроли интеграл формулалар кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясининг тадқиқот объекти ҳисобланади. Бундай интеграл формулалар голоморф функцияларнинг соҳа ичидаги қиймати билан соҳа чегараси ёки соҳа чегарасининг қисмидаги қийматлари орасидаги боғлиқлигини ва голоморф давом эттириш масалаларини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан, математик анализда классик соҳа билан боғланган матрицавий шарнинг остовида ёки остовининг қисмида берилган функцияни матрицавий шарга голоморф давом эттиришдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида скаляр қийматли кўп матрицали ўзгарувчили голоморф функцияларнинг интеграл формулаларини қуриш ва уларни амалий масалаларни ечишга йўналтирилган кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, классик соҳаларнинг Бергман ядроларини баҳолаш, матрицавий соҳалар учун Бохнер-Хуа Ло-кен типидаги интеграл формуласини топиш, классик соҳаларнинг декарт кўпайтмаси учун Бергман ядросини топиш ва улар ёрдамида амалий масалалар ечиш, жумладан, майдон квант назарияси масалаларини ечишда ушбу формулалар кенг татбиқ қилинишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда, фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқларига эга бўлган кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясининг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, кўп ўзгарувчили комплекс анализда умумлашган интеграл формулалар топиш, соҳаларда голоморф функцияларни қаторга ёйиш ва классик теоремаларни умумлаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «Функционал анализ, алгебра, дифференциал тенгламалар, математик физика, математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» устувор йўналишлар бўйича ҳалқаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятининг муҳим вазифалари сифатида белгилаб берилган[1]. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, классик соҳаларнинг Бергман ядроларини баҳолаш, классик соҳаларнинг декарт кўпайтмаси учун Бергман ядросини топиш ва унга мос голоморф

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий- тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон қарори.

функцияларнинг Бергман-Бремерман интеграл формуласини қуриш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп ўлчовли комплекс анализда ҳалигача бир ўзгарувчили классик комплекс анализдаги кўпгина фундаментал теоремаларнинг умумлашмалари олинганича йўқ. Бугунги замонавий математиклар томонидан топилаётган формулалар хусусий ҳолда эмас, балки умумий ҳолда бўлиб, ҳар бир янги топилган формула олдингисига нисбатан кучлироқ ва қулайликларга эга бўлмоқда. XX асрнинг 30-60 йилларида Э.Картан, К.Зигел, И.И.Пятецкий-Шапиро ва Хуа Ло-кен каби олимлар кўп ўлчовли комплекс анализ масалаларини матрицавий ёндашув билан ёритганлар. Улар асосан классик соҳаларда илмий изланишлар олиб борганлар ҳамда бу соҳаларда функциялар назарияси ва соҳалар геометрияси билан боғлиқ масалалар билан шуғулланишган.

Шунингдек, XX аср охири ва XXI аср бошларида В.С.Владимиров, А.Г.Сергеев, Г.Хенкин, С.Г.Гиндикин, Хио-Минг, А.М.Кытманов, С.Г.Мысливец, Т.Н.Никитина ва бошқалар ишларида матрицавий соҳаларда голоморф функцияларнинг хоссаларини ўрганиш давом эттирилди. Бу илмий изланишларда, айниқса, чегараланмаган соҳаларда голоморф давом қилдиришлар назариясини қуришда, бу соҳаларнинг чегараланган соҳалар билан биголоморф эквивалентлигини қўллашган.

Республикамизда кўп ўлчовли комплекс анализда интеграл формулалар назарияси ва уларнинг татбиқлари бўйича Г.Худойберганов, С.Косбергенов, Б.А.Шаимкулов, Б.Отемуратов, Б.Пренов, Б.Курбанов ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб боришмоқда. Ушбу тадқиқотлар давомида $\mathbb{C}^n$ фазодаги соҳаларда ва матрицавий соҳаларда муҳим натижаларга эришилди. Шунга қарамай, ушбу соҳаларда ҳал этилмаган кўплаб муаммолар мавжуд ва уларни бартараф этиш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот режаларининг ОТ-Ф-4-(37-29) «A(z)-аналитик функцияларнинг функционал хоссалари ва уларнинг татбиқлари. Матрицавий соҳаларда комплекс анализнинг айрим масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади классик соҳаларнинг Бергман ядролари учун баҳолашлар олиш, классик соҳалар декарт кўпайтмасида голоморф функциялар учун Бергман-Бремерман интеграл формуласини қуриш, классик соҳа билан боғланган биринчи тип матрицавий шарнинг остовида ёки остовининг қисмида берилган функцияни матрицавий шарга голоморф давом эттириш масалаларини ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

якобиани қулай ҳисобланадиган Ли шари $\Re_{IV}\left(n\right)$ ва псевдоконус $\tau^{+}\left(n-1\right)$ соҳаларининг биголоморф эквивалентлигини ифодаловчи акслантиришни топиш;

$\tau^{+}\left(n-1\right)$ псевдоконусда интеграл формулаларни қуриш;

матрицавий шарда Бохнер-Хуа Ло-кен типидаги интеграл учун “сакраш ҳақидаги” теоремаларни исботлаш;

матрицавий шарнинг остовида берилган функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремаларни исботлаш;

матрицавий шар остовининг қисмида берилган функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теоремаларни исботлаш;

классик соҳаларнинг Бергман ядроларини баҳолаш;

классик соҳалар декарт кўпайтмаси учун Бергман ядросини топиш ва унга мос голоморф функцияларнинг Бергман-Бремерман интеграл формуласини қуриш.

Тадқиқотнинг объекти матрицавий шар, классик соҳалар, Ли шари, псевдоконус, классик соҳаларнинг декарт кўпайтмаси, Бохнер-Хуа Ло-кен интеграл формуласидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети матрицавий шар ва унинг остовидаги ортонормал системалар, матрица аргументли голоморф функциялар, классик соҳалар декарт кўпайтмаси учун Бергман-Бремерман интеграл формуласидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясининг интеграл формулалари ва матрица аргументли голоморф функциялар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$\tau^{+}\left(n-1\right)$ псевдоконусда Бергман ва Коши-Сеге интеграл формулалари қурилган;

$\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]$ фазодаги матрицавий шарда Бохнер-Хуа Ло-кен типидаги интеграл учун “сакраш ҳақидаги” теорема исботланган;

матрицавий шарнинг остовида берилган функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теорема исботланган;

матрицавий шар остовининг қисмида берилган функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги мезонлари топилган;

$\Re_I\left(m,k\right)$, $\Re_{II}\left(m\right)$, $\Re_{III}\left(m\right)$ ва $\Re_{IV}\left(n\right)$ классик соҳаларининг Бергман ядролари мос равишда $\mathbb{C}^{mk}$, $\mathbb{C}^{\frac{m(m+1)}{2}}$, $\mathbb{C}^{\frac{m(m-1)}{2}}$ ва $\mathbb{C}^n$ фазолардаги шарларнинг Бергман ядролари билан баҳоланган;

$\Re_I\left(m,k\right)$ ва $\Re_{II}\left(m\right)$ классик соҳалар декарт кўпайтмаси учун Бергман ядроси топилган ва унга мос голоморф функциялар учун Бергман-Бремерман интеграл формуласи қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотда олинган Сохоцкий формуласи ҳамда голоморф давом эттириш мезонлари матрица аргументли функциялар назарияси ва кўп ўлчовли комплекс анализда голоморф давом қилдириш масалаларини ечишда қўлланилган;

псевдоконусда голоморф давом қилдириш масалаларини ечишда Ли шари ва псевдоконус соҳаларидаги Бергман ва Коши-Сеге ядроларинг боғланиши қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясидаги интеграл формулалардан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган. Бундан ташқари, диссертация натижалари нуфузли илмий журналларда, хусусан, юқори импакт-факторли журналларда нашр этилган ва илмий семинарларда ишнинг олинган натижалари муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда натижаларнинг илмий аҳамияти классик соҳаларнинг Бергман ядролари учун баҳолашлар олинганлиги, классик соҳалар декарт кўпайтмасида голоморф функциялар учун Бергман-Бремерман интеграл формуласининг қурилганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти олинган формулалар ёрдамида соҳанинг чегарасида ёки соҳа чегарасининг бир қисмида берилган функцияни соҳага голоморф тиклашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

$\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]$ фазодаги матрицавий шарда Бохнер-Хуа Ло-кен типидаги интеграл учун “сакраш ҳақидаги” Сохоцкий формуласининг кўп ўлчовли матрицавий аналогидан ОТ-Ф-4-(37-29) рақамли “A(z)-аналитик функцияларнинг функционал хоссалари ва уларнинг татбиқлари. Матрицавий соҳаларда комплекс анализнинг айрим масалалари” (2017-2020 йиллар) номли лойиҳада матрица аргументли голоморф функцияларини давом эттириш масаласини ечишда қўлланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 11 августдаги маълумотномаси). Натижада матрицавий шар остовида ва остовининг бир қисмида берилган функцияни шар ичига голоморф давом қилдириш имконини берган;

$\tau^+\left(n-1\right)$ псевдоконус ва $\Re_{IV}\left(n\right)$ Ли шари орасидаги биголоморф акслантиришдан фойдаланиб, $\tau^+\left(n-1\right)$ псевдоконус ва $\Re_{IV}\left(n\right)$ Ли шарларидаги Бергман ва Коши-Сеге ядроларининг боғлиқлигидан ОТ-Ф-4-(37-29) рақамли “A(z)-аналитик функцияларнинг функционал хоссалари ва уларнинг татбиқлари. Матрицавий соҳаларда комплекс анализнинг айрим масалалари” (2017-2020 йиллар) номли лойиҳада чегараланмаган соҳаларда голоморф ядроли интеграл формулалар қуришда қўлланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 11 августдаги маълумотномаси). Натижада топилган ядролар $\tau^+\left(n-1\right)$ псевдоконусда голоморф функцияларнинг интеграл ифодаларини ҳосил қилиш ҳамда $\tau^+\left(n-1\right)$ псевдоконусдаги функцияларни голоморф давом қилдириш имконини берган;

Э.Картан классик соҳалари учун Бергман ядроларининг хоссаларидан 18-51-410002 рақамли “Икки фазали муҳит диссипатив яқинлашишнинг математик моделини бир-бирини кесувчи эффект билан математик моделлаштириш” фундаментал лойиҳасида голоморф ядроли интеграл формулаларни қуриш масаласини ечишда фойдаланилган (Россия Фанлар академиясининг Сибирь бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2021 йил 2 июлдаги №15301/12-010-сонли маълумотномаси). Натижада бир жинсли чегараланган симметрик бўлган классик соҳаларининг декарт кўпайтмаси учун Бергман ядроси кўринишини олиш имконини берган ва бу соҳалардаги голоморф функция учун Бремерманн-Бергман интеграл тасвирини исботлаш имконини берган. Э.Картаннинг бир жинсли симметрик бўлган тўртта тип $\Re_{I}\left(m,k\right)$, $\Re_{II}\left(m\right)$, $\Re_{III}\left(m\right)$ ва $\Re_{IV}\left(n\right)$ классик соҳаларининг Бергман ядроларини мос равишда $\mathbb{C}^{mk}$, $\mathbb{C}^{\frac{m(m+1)}{2}}$, $\mathbb{C}^{\frac{m(m-1)}{2}}$, $\mathbb{C}^{n}$ фазолардаги бирлик шарларнинг Бергман ядролари билан баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан

Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан 4 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 86 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар рўйхати ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Классик соҳалар ва $\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]$ фазодаги шар ҳақида дастлабки маълумотлар”** деб номланувчи биринчи бобида диссертациянинг асосий натижаларини келгусида баён қилишда зарур бўладиган бошланғич маълумотлар, асосий таърифлар ва муҳим теоремалар келтирилган.

1.1 параграфда классик соҳалар, уларнинг асосий хоссалари ва турли олимларнинг классик соҳаларда олиб борилган илмий изланишлари ҳамда татбиқлари баён қилинган.

Қуйидаги классик соҳаларни қараймиз (Э.Картан таснифи бўйича):

$$\Re_I\left(m,k\right)=\left\{Z\in\mathbb{C}\left[m\times k\right]: I^{(m)}-ZZ^*>0\right\},$$

$$\Re_{II}\left(m\right)=\left\{Z\in\mathbb{C}\left[m\times m\right]: I^{(m)}-Z\overline{Z}>0,\ \ \forall Z'=Z\right\},$$

$$\Re_{III}\left(m\right)=\left\{Z\in\mathbb{C}\left[m\times m\right]: I^{(m)}+Z\overline{Z}>0,\ \ \forall Z'=-Z\right\},$$

$$\Re_{IV}\left(n\right)=\left\{\ z\in\mathbb{C}^n\colon\left|\left\langle z,z\right\rangle\right|^2-2\left|z\right|^2+1>0,\ \ \left|\left\langle z,z\right\rangle\right|<1\right\},$$

бу ерда $I^{(m)}-$ m-тартибли бирлик матрица, Z^*-матрица эса Z матрицанинг қўшмаси ва транспонирланганидир (H Эрмит матрицаси учун $H>0$ белги, H мусбат аниқланганлигини, яъни унинг барча хос сонларининг мусбат эканлигини билдиради) ҳамда ихтиёрий $z\in\mathbb{C}^n$ учун $\left\langle z,z\right\rangle=z_1^2+...+z_n^2,\ \ \left|z\right|=\sqrt{\left\langle z,\overline{z}\right\rangle}$. Бу соҳаларнинг барчаси маркази О нуқтада (О $-$ нол матрица) бўлган бир жинсли, симметрик, қаварик, тўла доиравий соҳалардир. Бу соҳаларнинг барчаси ўзаро биголоморф эквивалент эмас, шунинг учун комплекс анализ уларнинг ҳар бири учун алоҳида қурилади

1.2 параграфда $\mathbb{C}^n$ фазосидаги Бергман ядроси ва бу ядронинг хоссаларини ифодаловчи Зоммер – Меринг теоремаси келтирилган.

1.3 параграфда $\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]$ фазодаги матрицавий шардаги ортонормал ситемалар ва уларнинг бир қанча татбиқлари келтирилган.

m^2 та комплекс ўзгарувчили $\mathbb{C}^{m^2}$ фазони қарайлик. Баъзи масалаларда бу фазони Z нуқталарини $Z=(z_{ij})_{i,j=1}^{m}$ кўринишида ёзиш, яъни $\left[m\times m\right]$-тартибли матрицалар фазоси сифатида қараш қулай. $\mathbb{C}^{m^2}$ фазо нуқталарини бундай кўринишда ёзишдан ҳосил бўлган фазони $\mathbb{C}[m\times m]$ билан, бу фазонинг n тасини $\underbrace{\mathbb{C}[m\times m]\times\cdots\times\mathbb{C}[m\times m]}_{n}$ тўғри кўпайтмасини $\mathbb{C}^n[m\times m]$ орқали белгилаймиз.

Элементлари $\mathbb{C}$ комплекс сонлардан иборат бўлган, m-тартибли Z_j квадрат матрицадан тузилган $Z=\left(Z_1,...,Z_n\right)$ вектор берилган бўлсин. Бу вектор элементларини $\mathbb{C}^{nm^2}$ фазонинг z нуқтаси сифатида ёзамиз:

$$z=(z_{11}^{(1)},...,z_{1m}^{(1)},...,z_{m1}^{(1)},...,z_{mm}^{(1)},...,z_{11}^{(n)},...,z_{1m}^{(n)},...,z_{m1}^{(n)},...,z_{mm}^{(n)})\in\mathbb{C}^{nm^2}.$$

Демак, Z векторни $\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]$ фазонинг элементи сифатида қарашимиз мумкин, яъни улар орасида $\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]\cong\mathbb{C}^{nm^2}$ изоморфизм ўрнатилган. Бу $\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]$ фазода ушбу

$$\left\langle Z,W\right\rangle=Z_1W_1^*+\cdots+Z_nW_n^*,$$

матрицавий «скаляр» кўпайтмани аниқлайлик. Қуйидаги

$$\mathbb{B}_{m,n}=\left\{(Z_1,...,Z_n)=Z\in\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]:I-\left\langle Z,Z\right\rangle>0\right\},$$

соҳа $\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]$ фазодаги матрицавий шар дейилади. Бу соҳанинг остови (Шилов чегараси)

$$\mathbb{X}_{m,n}=\left\{Z\in\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]:\left\langle Z,Z\right\rangle=I\right\},$$

кўринишда бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ли шарининг реализацияси билан боғланган $\tau^+\left(n-1\right)$ соҳадаги интеграл формулалар ва уларнинг татбиқлари”** деб номланиб, $\tau^+\left(n-1\right)$ соҳа ва $\Re_{IV}(n)$ Ли шари биголоморф эквивалент бўлиш масаласини ўрганишга бағишланган. Бу соҳалардаги Бергман ва Коши-Сеге ядроларини боғланиши келтирилган ҳамда $\tau^+\left(n-1\right)$ псевдоконусда голоморф функцияларининг интеграл тасвирлари олинган.

2.1 параграфда Якобиани қулай ҳисобланадиган Ли шари $\Re_{IV}(n)$ ва псевдоконус $\tau^{+}(n-1)$ соҳаларнинг биголоморф эквивалентлигини ифодаловчи акслантириш ёзилган. $\Re_{IV}(n)$ (Э. Картан таснифи бўйича тўртинчи тип классик соҳа ёки Ли шари деб номланади) соҳанинг $\Gamma_{\Re_{IV}(n)}$ Шилов чегараси (остови) қуйидагича аниқланади:

$$\Gamma_{\Re_{IV}(n)} = \left\{ z \in \mathbb{C}^{n} : \left|\left\langle z, z\right\rangle\right| = 1,\ \left|z\right| = 1 \right\}.$$

$\mathbb{C}^{n+1}$ фазода қуйидаги

$$\tau^{+}(n) = \left\{ w \in \mathbb{C}^{n+1} : \left(\operatorname{Im} w_{n+1}\right)^{2} > \left(\operatorname{Im} w_{1}\right)^{2} + \ldots + \left(\operatorname{Im} w_{n}\right)^{2},\ \operatorname{Im} w_{n+1} > 0 \right\}$$

чегараланмаган соҳа псевдоконус (труба будущего) дейилади ва унинг остови ушбу

$$\Gamma_{\tau^{+}(n)} = \left\{ w \in \mathbb{C}^{n+1} :\ \operatorname{Im} w_{1} = \ldots = \operatorname{Im} w_{n} = \operatorname{Im} w_{n+1} = 0 \right\}$$

кўринишда бўлади.

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 1. *Ушбу*

$$w_{k} = \frac{-2iz_{k}}{\sum_{j=1}^{n-1} z_{j}^{2} + \left(z_{n} - i\right)^{2}}, k = 1,\ldots,n-1, w_{n} = \frac{2\left(z_{n} - i\right)}{\sum_{j=1}^{n-1} z_{j}^{2} + \left(z_{n} - i\right)^{2}} - i, \qquad (1)$$

кўринишдаги $\Phi : \mathbb{C}_{z}^{n} \to \mathbb{C}_{w}^{n}$ *акслантириш,* $\Re_{IV}(n)$ *соҳани* $\tau^{+}(n-1)$ *соҳага биголоморф акслантиради,* $\Gamma_{\Re_{IV}(n)}$ *остов эса* $\Gamma_{\tau^{+}(n-1)}$ *остовга аксланади.*

Энди бу (1) акслантиришнинг тескарисини топамиз, у ушбу

$$z_{k} = \frac{-2iw_{k}}{\sum_{k=1}^{n-1} w_{k}^{2} - \left(w_{n} + i\right)^{2}} k = 1,\ldots,(n-1),\ z_{n} = i - \frac{2\left(w_{n} + i\right)}{\sum_{k=1}^{n-1} w_{k}^{2} - \left(w_{n} + i\right)^{2}} \qquad (2)$$

тенгликлар билан аниқланувчи $\Psi = \Phi^{-1} : \mathbb{C}_{w}^{n} \to \mathbb{C}_{z}^{n}$ акслантириш бўлади. (1) ва (2) алмаштиришларнинг якобианини ҳисоблашимиз учун ушбу

$$W = \sum_{k=1}^{n-1} w_{k}^{2} - \left(w_{n} + i\right)^{2},\ Z = \sum_{k=1}^{n-1} z_{k}^{2} + \left(z_{n} - i\right)^{2}.$$

белгилашларни оламиз.

Теорема 2. (1) *кўринишдаги* Φ *ва* (2) *кўринишдаги* Φ^{-1} *акслантиришларнинг якобианлари мос равишда*

$$J_{\mathbb{C}}\Phi = 2^{n}\left(-i\right)^{n+1} Z^{-n} \text{ ва } J_{\mathbb{C}}\Phi^{-1} = -2^{n}\left(-i\right)^{n+1} W^{-n}$$

формулалар ёрдамида ҳисобланади.

2.2 параграфда $\Re_{IV}\left(n\right)$ Ли шари ва $\tau^{+}\left(n-1\right)$ псевдоконуснинг биголоморф эквивалентлигидан фойдаланиб, бу соҳаларнинг Бергман ва Коши-Сеге ядроларининг боғланиши келтирилган ҳамда уларга мос $\tau^{+}\left(n-1\right)$ псевдоконусда Бергман ва Коши-Сеге интеграл формулалари ёзилган. $D\subset\mathbb{C}^{n}$ соҳадаги нормаланган Лебег ўлчовини dV билан белгилайлик. Ушбу

$$A^{2}\left(D\right)=\left\{f\in\mathcal{O}\left(D\right):\int_{D}\left|f\left(z\right)\right|^{2}dV\left(z\right)<\infty\right\}.$$

кўринишда Бергман фазосини аниқлаймиз. $\tau^{+}\left(n\right)$ соҳада $K_{\tau^{+}\left(n\right)}(w,\xi)$ Бергман ядроси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$K_{\tau^{+}\left(n\right)}(w,\xi)=\frac{2^{n}\left(n+1\right)!}{\pi^{n+1}\Delta^{n+1}\left(\frac{w-\overline{\xi}}{i}\right)},w,\xi\in\tau^{+}\left(n\right),\tag{3}$$

бу ерда, $\Delta\left(\frac{w-\overline{\xi}}{i}\right)=\left[\left(w_{1}-\overline{\xi}_{1}\right)^{2}+...+\left(w_{n-1}-\overline{\xi}_{n-1}\right)^{2}-\left(w_{n}-\overline{\xi}_{n}\right)^{2}\right]$. $\Re_{IV}\left(n\right)$ Ли шаридаги Бергман ядроси эса қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$K_{\Re_{IV}\left(n\right)}(z,\overline{\zeta})=\frac{1}{V\left(\Re_{IV}\left(n\right)\right)\left(1-2\left\langle z,\overline{\zeta}\right\rangle+\left\langle z,z\right\rangle\left\langle\overline{\zeta},\overline{\zeta}\right\rangle\right)^{n}},\tag{4}$$

бу ерда, $V\left(\Re_{IV}\left(n\right)\right)=\frac{\pi^{n}}{2^{n-1}n!}$-$\Re_{IV}\left(n\right)$ Ли шарининг ҳажми. (3) ва (4) кўринишдаги Бергман ядроларнинг боғланиши ҳақидаги қуйидаги лемма ўринли.

Лемма 1. *Бизга (1) кўринишдаги* $w=\Phi(z)$, $\xi=\Phi(\zeta)$ *акслантиришлар берилган бўлсин. У ҳолда бу акслантиришлар ёрдамида ҳосил қилинган* $K_{\tau^{+}\left(n\right)}(w,\xi)$ *Бергман ядроси қуйидаги кўринишда бўлади:*

$$K_{\tau^{+}\left(n\right)}(\Phi(z),\Phi(\zeta))=\frac{1}{4^{n}}\left[Z\overline{\Upsilon}\right]^{n}\cdot K_{\Re_{IV}\left(n\right)}\left(z,\zeta\right),$$

бу ерда, $Z=\sum_{k=1}^{n-1}z_{k}^{2}+\left(z_{n}-i\right)^{2}$, $\Upsilon=\sum_{k=1}^{n-1}\zeta_{k}^{2}+\left(\zeta_{n}-i\right)^{2}$.

Бу леммадан қуйидаги теорема ўринли эканлиги келиб чиқади.

Теорема 3. *Ихтиёрий* $f\in A^{2}\left(\tau^{+}\left(n-1\right)\right)$ *функция учун ушбу*

$$f(w)=\int_{\tau^{+}\left(n-1\right)}f(\xi)K_{\tau^{+}\left(n-1\right)}(w,\xi)d\mu(\xi),\quad w\in\tau^{+}\left(n-1\right).$$

формула ўринли. Бу интеграл $A^2\left(\tau^+\left(n-1\right)\right)$ *фазода* $L^2(\tau^+\left(n-1\right))$ *фазонинг ортогонал проектори бўлади.*

$\tau^+\left(n-1\right)$ соҳада Коши-Сеге ядроси қуйидаги кўринишда аниқланади:

$$C_{\tau^+\left(n-1\right)}(w,\xi)=\frac{2^n\pi^{\frac{n-1}{2}}\Gamma\left(\frac{n+1}{2}\right)}{\Delta^{\frac{n+1}{2}}\left(w-\xi\right)},$$

бу ерда, $w\in\tau^+\left(n-1\right)$, $\xi\in\Gamma_{\tau^+\left(n-1\right)}$.

Қуйидаги лемма псевдоконус ва Ли шари Коши-Сеге ядроларининг орасидаги боғланишини ифодалайди.

Лемма 2. *(1) кўринишдаги* $w=\Phi(z)$, $\xi=\Phi(\zeta)$ *акслантиришлар ёрдамида* $C_{\tau^+\left(n-1\right)}(w,\xi)$ *Коши-Сеге ядроси қуйидагича кўринишга келади:*

$$C_{\tau^+\left(n-1\right)}\left(\Phi\left(z\right),\Phi\left(\zeta\right)\right)=\frac{1}{2^n}Z^{\frac{n}{2}}\overline{\Upsilon}^{\frac{n}{2}}C_{\Re_{IV}^n}\left(z,\zeta\right),$$

бу ерда, $C_{\Re_{IV}\left(n\right)}(z,\zeta)$ *Ли шаридаги Коши-Сеге ядроси*

$$C_{\Re_{IV}\left(n\right)}(z,\zeta)=\frac{1}{V\left(\Gamma_{\Re_{IV}\left(n\right)}\right)\left[\left(x-e^{-i\varphi}z\right)\left(x-e^{-i\varphi}z\right)'\right]^{\frac{n}{2}}},$$

$$\zeta=e^{i\varphi}x,\ x\in\mathbb{R}^n,\ \ xx'=1,\ \varphi\in\left[0;2\pi\right]$$

кўринишда бўлади.

Бу леммадан қуйидаги теорема ўринли эканлиги келиб чиқади.

Теорема 4. *Ихтиёрий* $f\in H^1(\tau^+\left(n-1\right))$[2] *функция учун ушбу*

$$f(w)=\int_{\Gamma_{\tau^+\left(n-1\right)}}f(\xi)C_{\tau^+\left(n-1\right)}(w,\xi)d\eta(\xi),\ \ w\in\tau^+\left(n-1\right).$$

интеграл формула ўринли бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Матрицавий шарда ортонормал системаларнинг татбиқлари»** деб номланган. Ушбу бобда матрицавий шар остовида ёки остовининг бир қисмида берилган функцияларни голоморф давом эттириш масаласи тадқиқ қилинган. Бунинг учун матрицавий шардаги тўла ортонормал система татбиқларидан фойданилган.

---

[2] $H^1(D)$ Харди синфи қуйидагича аниқланади: D соҳада голоморф ва $\sup\limits_{0\le r<1}\int\limits_{S\left(D\right)}\left|f\left(r\xi\right)\right|d\eta<\infty$ шартни қаноатлантирувчи барча $f(z)$ функциялар синфини $H^1(D)$ Харди синфи дейилади, бу ерда $\eta-S(D)$ остовдаги Лебег ўлчови.

Ушбу

$$F(Z)=\int\limits_{\mathbb{X}_{m,n}} f\left(U\right)\det^{-mn}\left(I^{(m)}-\left\langle Z,U\right\rangle\right)d\mu, \tag{5}$$

Бохнер-Хуа Ло-кен типидаги интегрални қарайлик, бу ерда $Z\in\mathbb{C}^n[m\times m]$ бўлиб, $f\left(U\right)$ интегралланувчи функция. Қандай Z нуқталар учун (5) интеграл мавжуд бўлишини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

$\mathbb{B}^-_{m,n}$ соҳани қуйидагича аниқлайлик:

$$\mathbb{B}^-_{m,n}=\left\{Z\in\mathbb{C}^n\left[m\times m\right]:\left\langle Z,Z\right\rangle-I>0\right\}.$$

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 5. *Ушбу*

$$W_k=\left(\left\langle Z,Z\right\rangle\right)^{-1}Z_k,(k=1,...,n)$$

акслантириш $\mathbb{B}_{m,n}$ *шарни* $\mathbb{B}^-_{m,n}$ *соҳага акслантиради, остовдаги* $U\in\mathbb{X}_{m,n}$ *нуқталар ўзига аксланади.*

Энди (5) интегралнинг қийматларини $Z\in\mathbb{B}_{m,n}$ нуқталар учун $F^+(Z)$ билан, $Z\in\mathbb{B}^-_{m,n}$ нуқталар учун $F^-(Z)$ билан белгилаймиз.

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 6. *(5) интеграл ушбу* $\mathbb{B}_{m.n}$ *ва* $\mathbb{B}^-_{m,n}$ *соҳаларнинг ҳар бири учун маънога эга бўлади.*

Айтайлик, $\left\{\varphi\right\}-$ $F^{\pm}$ функцияларинг ёйилмасида қатнашмайдиган ортонормал система бўлсин. Қуйидаги Сохоцкий формуласининг кўп ўлчовли матрицавий аналоги ўринли.

Теорема 7. *Агар* $f\in L^2\left(\mathbb{X}_{m,n}\right)$ *функция* $\left\{\varphi\right\}$ *системага ортогонал бўлса, у ҳолда* $F^+\in H^2\left(\mathbb{B}_{m,n}\right)$, $F^-\in H^2\left(\mathbb{B}^-_{m,n}\right)$ *бўлиб,* $F^{\pm}$ *функциялар* $\mathbb{X}_{m,n}$ *остовнинг деярли ҳамма жойида радиал лимит қийматларга эга ва қуйидаги*

$$F^+(Z)\Big|_{\mathbb{X}_{m,n}}+(-1)^{mn}F^-(Z)\Big|_{\mathbb{X}_{m,n}}=f(Z)\Big|_{\mathbb{X}_{m,n}}$$

тенглик деярли барча $Z\in\mathbb{X}_{m,n}$ *нуқталарда ўринли бўлади.*

Теорема 8. *Ушбу* $f\in L^2\left(\mathbb{X}_{m,n}\right)$ *функция* $H^2\left(\mathbb{B}_{m,n}\right)$ *синфга давом қилиши учун* f *фунция* $\left\{\varphi\right\}$ *фунциялар системасига ортогонал ва* $\mathbb{B}^-_{m,n}$ *соҳада* $F^-(Z)=0$ *тенглик бажарилиши зарур ва етарли.*

Энди қуйидаги масалани қарайлик: қандай шартлар бажарилганда*, матрицавий шар остовининг қисмида берилган функция, матрицавий шарга голоморф давом қилади?*

Бу масаланинг ечими қуйидаги теоремада келтирилган.

Теорема 9. *Айтайлик, $V \subset \mathbb{X}_{m,n}$ – очиқ тўплам ва f функция V тўпламда $L^2\left(V\right)$ синфда $\left\{\varphi\right\}$ системага ортогонал бўлсин. У ҳолда f функция $\mathbb{B}_{m,n}$ матрицавий шарга голоморф давом қилиши учун, $F^{-}(Z)$ функция $\mathbb{B}_{m,n}$ соҳага $\mathbb{X}_{m,n}$ орқали голоморф давом қилиши зарур ва етарли.*

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Классик соҳалар Бергман ядроларининг баъзи хоссалари**» деб номланган.

4.1. параграфда $\Re_I\left(m,k\right)$, $\Re_{II}\left(m\right)$, $\Re_{III}\left(m\right)$ ва $\Re_{IV}\left(n\right)$ классик соҳалар Бергман ядролари мос равишда $\mathbb{C}^{mk}$, $\mathbb{C}^{\frac{m(m+1)}{2}}$, $\mathbb{C}^{\frac{m(m-1)}{2}}$ ва $\mathbb{C}^n$ фазолардаги шарларнинг Бергман ядролари билан баҳоланган. Бунинг учун Бергман ядросини хоссалари ва уни давом эттириш ҳақидаги Зоммер-Меринг теоремасининг тасдиқларидан фойдаланилган. Айтайлик, $\mathbb{C}^n$ фазода $\mathbb{B}^n\left(r\right) = \left\{z \in \mathbb{C}^n : \left|z\right| < r\right\} - r$ радиусли шар ва $K_D(z,\overline{z})$ – функция $D \subset \mathbb{C}^n$ соҳанинг Бергман ядроси берилган бўлсин.

Қуйидаги теоремалар ўринли.

Теорема 10. *Агар $K_{\Re_{IV}(n)}(z,\overline{z})$ Бергман ядроси $\mathbb{B}^n\left(1\right)$ соҳага ҳақиқий аналитик функция сифатида давом қилса, у ҳолда $z \in \mathbb{B}^n\left(1\right)$ нуқталар учун қуйидаги тенгсизлик ўринли бўлади:*

$$K_{\mathbb{B}^n(1)}\left(z,\overline{z}\right) \le K_{\Re_{IV}(n)}\left(z,\overline{z}\right).$$

Теорема 11. *Агар $K_{\mathbb{B}^n\left(\frac{1}{\sqrt{2}}\right)}\left(z,\overline{z}\right)$ Бергман ядроси $\Re_{IV}\left(n\right)$ соҳага ҳақиқий аналитик функция сифатида давом қилса, у ҳолда $z \in \Re_{IV}\left(n\right)$ нуқталар учун қуйидаги тенгсизлик ўринли бўлади:*

$$K_{\Re_{IV}(n)}\left(z,\overline{z}\right) \le K_{\mathbb{B}^n\left(\frac{1}{\sqrt{2}}\right)}\left(z,\overline{z}\right).$$

Теорема 12. *Қуйидаги тасдиқлар ўринли:*

а) Агар $K_{\mathbb{B}^{mk}(1)}\left(z,\overline{z}\right)$ Бергман ядроси $\Re_I\left(m,k\right)$ соҳага ҳақиқий аналитик функция сифатида давом қилса, у ҳолда $z \in \Re_I\left(m,k\right)$ нуқталар учун қуйидаги тенгсизлик ўринли бўлади:

$$K_{\Re_I(m,k)}\left(z,\overline{z}\right) \le K_{\mathbb{B}^{mk}(1)}\left(z,\overline{z}\right);$$

б) Агар $K_{\mathbb{B}^{\frac{m(m+1)}{2}}\left(\frac{1}{\sqrt{2}}\right)}\left(z,\overline{z}\right)$ Бергман ядроси $\Re_{II}\left(m\right)$ соҳага ҳақиқий аналитик функция сифатида давом қилса, у ҳолда $z \in \Re_{II}\left(m\right)$ нуқталар учун қуйидаги тенгсизлик ўринли бўлади:

$$K_{\Re_{II}(m)}(z,\overline{z}) \le K_{\mathbb{B}^{\frac{m(m+1)}{2}}\left(\frac{1}{\sqrt{2}}\right)}(z,\overline{z});$$

в) Агар $K_{\mathbb{B}^{\frac{m(m-1)}{2}}(1)}(z,\overline{z})$ *Бергман ядроси* $\Re_{III}(m)$ *соҳага ҳақиқий аналитик функция сифатида давом қилса, у ҳолда* $z \in \Re_{III}(m)$ *нуқталар учун қуйидаги тенгсизлик ўринли бўлади:*

$$K_{\Re_{III}(m)}(z,\overline{z}) \le K_{\mathbb{B}^{\frac{m(m-1)}{2}}(1)}(z,\overline{z}).$$

4.2. параграфда классик соҳалар декарт кўпайтмаси учун Бергман-Бремерман интеграл формуласи исбот қилинган. Бунинг учун классик соҳалар декарт кўпайтмаси Бергман ядроси учун Бремерман теоремасининг аналоги олинган. Бунда қаралаётган соҳалар автоморфизмлари группаларидан фойдаланилган, яъни тўла ортонормал системаларга мурожаат қилмасдан, фақат шу мулоҳазага таянган ҳолда классик соҳалар декарт кўпайтмаси учун Бергман ядролари қурилган.

Теорема 13. *Айтайлик,* $\Re_I(m,k)$ *ва* $\Re_{II}(n)$ *соҳалар* $W \in \mathbb{C}[m \times k]$ *ва* $Z \in \mathbb{C}[n \times n]$ *ўзгарувчили фазолардаги классик соҳалар ва* $\Re = \Re_I(m,k) \times \Re_{II}(n)$ *бўлси. У ҳолда қуйидаги тенглик ўринли бўлади:*

$$K_{\Re}(W,Z,\overline{W},\overline{Z}) = K_{\Re_I(m,k)}(W,\overline{W})K_{\Re_{II}(n)}(Z,\overline{Z})$$

$\Re$ соҳада $d\mu$ ўлчов бўйича квадрати билан интегралланувчи функциялар фазосини $L^2(\Re)$ билан, $H^2(\Re)$ билан эса $L^2(\Re)$ синфга голоморф давом қилувчи унинг қисм фазони белгилаймиз.

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 14. *Ихтиёрий* $f \in H^2(\Re)$ *функциялар учун*

$$f(W,Z) = \int_{\Re} f(\Theta,\Upsilon)K_{\Re}(W,Z,\overline{\Theta},\overline{\Upsilon})d\mu, \quad (\Theta,\Upsilon) \in \Re$$

Бергман-Бремерман интеграл формуласи ўринли. Бу интеграл формула $H^2(\Re)$ *фазода* $L^2(\Re)$ *фазонинг ортогонал проектори бўлади.*

ХУЛОСА

Диссертация иши матрицавий соҳаларда интеграл формулалар ва уларнинг татбиқларига бағишланган. Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Ли шари $\Re_{IV}\left(n\right)$ ва псевдоконус $\tau^{+}\left(n-1\right)$ соҳаларнинг биголоморф эквивалентлигини ифодаловчи акслантириш ёзилган, бу асклантириш ҳамда унга тескари акслантиришларни якобиани ҳисобланган;

2. Ли шари $\Re_{IV}\left(n\right)$ ва $\tau^{+}\left(n-1\right)$ псевдоконуснинг биголоморф эквивалентлигидан фойдаланиб, бу соҳаларнинг Бергман ва Коши-Сеге ядроларининг боғланиши келтирилган ҳамда уларга мос $\tau^{+}\left(n-1\right)$ псевдоконусда Бергман ва Коши-Сеге интеграл формулалар ёзилган.

3. $\mathbb{C}^{n}\left[m\times m\right]$ фазодаги матрицавий шарда Бохнер - Хуа Ло-кен типидаги интеграл учун "сакраш ҳақидаги" теорема исботланган, Сохоцкий формуласининг кўп ўлчовли матрицавий аналоги олинган;

4. $\mathbb{C}^{n}\left[m\times m\right]$ матрицавий шар остовида берилган функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теорема исботланган;

5. $\mathbb{C}^{n}\left[m\times m\right]$ матрицавий шар остовининг қисмида берилган функцияларни голоморф давом эттириш ҳақидаги теорема исботланган.

6. $\Re_{I}\left(m,k\right)$, $\Re_{II}\left(m\right)$, $\Re_{III}\left(m\right)$ ва $\Re_{IV}\left(n\right)$ классик соҳалари Бергман ядролари мос равишда $\mathbb{C}^{mk}$, $\mathbb{C}^{\frac{m(m+1)}{2}}$, $\mathbb{C}^{\frac{m(m-1)}{2}}$ ва $\mathbb{C}^{n}$ фазолардаги шарларнинг Бергман ядролари билан баҳоланган;

7. $\Re_{I}\left(m,k\right)$ ва $\Re_{II}\left(m\right)$ классик соҳалар декарт кўпайтмаси учун Бергман ядроси топилган ва унга мос голоморф функциялар учун Бергман-Бремерман интеграл формуласи ёзилган.

Олинган натижалар кўп комплекс ўзгарувчили функциялар назариясида интеграл формулаларни тадқиқ қилиш масалаларига қўлланилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.FM.70.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АБДУЛЛАЕВ ЖОНИБЕК ШОКИРОВИЧ

ИНТЕГРАЛЬНЫЕ ФОРМУЛЫ В КЛАССИЧЕСКИХ ОБЛАСТЯХ И ИХ ПРИЛОЖЕНИЯ

01.01.01 – Математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Карши – 2021 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.4.PhD/FM426.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http:www.qarshidu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (http:www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Гулмирза Худайберганов** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Имомкулов Севдиёр Акрамович** доктор физико-математических наук
	Отемуратов Байрамбай Пердебаевич доктор физико-математических наук (DSc)
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» ____________ 2021 года в ____ на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.FM.70.04 при Каршинском государственном университете. (Адрес: 180103, г. Карши, ул. Кучабаг, 17. Тел.: (+998 75) 225 34 13, факс: (+998 75) 221 00 56, e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет, физико-математический факультет, аудитория 102.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за №____). (Адрес: 180103, г. Карши, ул. Кучабаг, 17. Тел.: (+998 75) 225 34 13).

Автореферат диссертации разослан «____» ____________ 2021 года.
(протокол рассылки №____ от «____» ____________ 2021 года).

Б.А. Шоимкулов
Председатель научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н., профессор

А.А. Имомов
Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н. (DSc), доцент

Ю.Х. Эшкабилов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многочисленные научные-практические исследования, проводящиеся в области многомерного комплексного анализа в мире, посвящены к изучению свойств голоморфных функций с матричными аргументами в классических областях, а также вопросам нахождения интегральных формул голоморфных функций нескольких матричных переменных со скалярными значениями и являются одними из ведущих направлений теории функций. В глобальном масштабе интегральные формулы с голоморфным ядром являются объектом исследования в теории функций многих комплексных переменных. Такие интегральные формулы служат основой в исследовании задач о зависимости значений голоморфных функций внутри области от ее значений на границе или на части границы области и голоморфного продолжения. В связи с этим, в математическом анализе важно использовать голоморфное продолжение функции, заданной на остове или на части остова матричного шара, ассоциированной с классической областью в матричный шар.

В мире широко ведутся научные исследования по построению интегральных формул голоморфных функций нескольких матричных аргументов со скалярными значениями и их применения к решению прикладных задач. В связи с этим особое внимание уделяется широкому применению этих формул при вычислении ядер Бергмана классических областей, нахождении интегральной формулы типа Бохнера-Хуа Локена для матричных областей, нахождении ядра Бергмана для декартова произведения классических областей и при решении практических задач с их использованием, в том числе при решении задач квантовой теории поля.

В нашей стране уделяется особы внимание современным направлениям теории функций многих комплексных переменных, имеющих научное и практическое применение в фундаментальных науках. В частности, проводятся комплексные исследования по нахождению обобщенных интегральных формул в многомерном комплексном анализе для расширения рядов голоморфных функций в области и по обобщению классических теорем и достигнуты определенные результаты.

Проведение научных исследований на уровне международных стандартов на основе приоритетов «Функциональный анализ, алгебра, дифференциальные уравнения, математическая физика, математическое моделирование, вычислительная математика и дискретная математика, теория вероятностей и математическая статистика» является важнейшими задачами Института математики им. В.И.Романовского Академии наук Республики Узбекистан[3]. При выполнении этих исследований важное значение имеет оценка ядра Бергмана классических областей, нахождение ядра Бергмана для декартова произведения классических областей и

[3]Постановление Президента Республики Узбекистан от 7 мая 2020 года № ПП-4708 «О мерах по повышению качества образования и развитию исследований в области математики».

построение интегральной формулы Бергмана-Бремермана соответствующих голоморфных функций.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в постановлениях № ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математики имени В.И.Романовского Академии Наук Республики Узбекистан» и № ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развития научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. В многомерном комплексном анализе до настоящего времени не достигнуто обобщений многих фундаментальных теорем классического комплексного анализа одной переменной. Общие формулы, которыми сегодня пользуются современные математики, не являются завершёнными, при этом каждая вновь создаваемая формула сильнее и удобнее, чем предыдущая. В 30-е и 60-е годы XX века такие ученые, как Э.Картан, К.Зигель, И.И.Пятецкий-Шапиро и Хуа Ло-кен исследовали проблемы многомерного комплексного анализа с помощью матричного подхода. Они проводили исследования в основном в классических областях и занимались вопросами, связанными с теорией функций в этих областях и геометрией областей.

Также в конце XX и начале XXI веков В.С.Владимиров, А.Г. Сергеев, Г.Хенкин, С.Г.Гиндикин, Хио-Минг, А.М.Кытманов, С.Г.Мысливец, Т.Н.Никитина и другие продолжали изучение свойств голоморфных функций в матричных областях. В этих научных исследованиях широко использовалась биголоморфная эквивалентность этих областей с ограниченными областями при построении теории голоморфных расширений в неограниченных областях.

